Emro Science and Education
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz
OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 3 (2024) · “Hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish dasturlarini moliyalashtirish tendensi... DOI: 10.5281/zenodo.24316928

Давлатнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон ҳужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишлар очиб беради. “Рақамли технологиялар” томон бурилишга бутун жаҳон интернет тармоғи ва сифатли алоқанинг ривожланиши сабабчи бўлди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда аввало шу соҳага керакли кадрлар масаласини, уларни тайёрлайдиган таълим соҳасига эътиборни қаратишни таклиф қилган ҳолда, қуйидагича хулоса килиш мумкин: -рақамли иқтисодиёт тўгрисида замонавий илмий ва амалий асарлар яратиш -замонавий рақамли иқтисодиёт талабларига жавоб берадиган меҳнат бозорини ташкил қилиш механизмларини ишлаб чиқиш -юқори малакали дастурчилар ва соҳа мутахассисларини тайёрлашни йўлга қўйиш -рақамли иқтисодиёт соҳасидаги хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уларни республика иқтисодиётига татбиқ қилиш - электрон платформали технологиялардан фойдаланган холда иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларига миллий тизимлар яратиш Юқорида айтиб ўтилган фикр ва ғояларга асосан шуни айтишимиз мумкинки, ушбу билдирилган таклифлар рақамли трансформацияга тўсиқ бўлаётган айрим муаммоларнинг бартараф этилишида алоҳида аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Концепция информатизации образования. Информатика и образование. М., 1990, N1. Стр. 3.
2. Howkins J. The Creative Economy: How People Make Money from Ideas. London: Penguin, 2001
3. Benkler Y. The Wealth of Networks: How Social Production Transforms Markets and Freedom. New Haven, Conn: Yale University Press, 2006. 515 p.
4. Гулямов С.С. va boshqalar. Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalari. T.: Iqtisod Molia , 2019. 396 b 4. Negroponte N. Being Digital. New York: Alfred A. Knopf, 1995. 272 p.

ПУЛ ИСЛОХОТЛАРИДА ИНФЛЯЦИОН ТАРГЕТЛАШ РЕЖИМИ

Юлдашев Фарходбек Абдумуталибович
ТДИУ, Андижон факултети “Мутахассислик фанлари” кафедраси катта ўқитувчиси, и.ф.н.

Аннотация. *Бозор иқтисодиёти шароитида пул-кредит сиёсатини юритишнинг самарали усуллари сифатида инфляцион таргетлаш режимидан кўп мамлакатлар томонидан фойдаланилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонига асосан қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида*

Published: 17.05.2024
Cite this article: Юлдашев Фарходбек Абдумуталибович (2024). Пул ислохотларида инфляцион таргетлаш режими. Emro Science and Education, 1(3). https://doi.org/10.5281/zenodo.24316928
© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

эришилган ютуқлар ва камчиликлар, уларни бартараф этиш бўйича айрим фикр ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар. *Инфляция, таргетлаш, Марказий банк, пул-кредит сисати, молия бозори, валюта курси, нарх.*

Мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва барқарор иқтисодий ўсиш учун шароитлар яратишга қаратилган иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омили - инфляция даражасини янада пасайтириш борасидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 18 ноябр ПФ-5877-сон Фармонига асосан қатор хуқуқий хужжатлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Бунга кўра концепция, чора-тадбирлар режаси, йўл харитаси ва бошқалар амалда кучга кирди.

Бозор иқтисодиёти шароитида пул-кредит сиёсатини юритишнинг самарали усуллари сифатида инфляцион таргетлаш режимидан кўп мамлакатлар томонидан фойдаланилмоқда. Бунда марказий банкнинг пул-кредит бозоридаги фаол иштироки, шунингдек, иқтисодий ривожланишнинг мунтазам таҳлили ва давлат сиёсати режаларининг кенг ёритиб борилиши инфляциянинг миқдорий мақсадларига эришишни таъминлайди, деб таъкидланган.

Инфляцион таргетлаш (ИТ) режими бизга хорижий тажриба сифатида кириб келди. Халқаро валюта фондининг тавсияси билан ИТ режимига ўтиш бўйича дастлабки чора-тадбирлар амалда қўлланилди ва қуйидаги натижаларни кўрсатди:

✓ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (ЎРМБ) 2017 йилнинг сентябрь ойида янги ёндашувни қабул қилди ва унга кўра пул-кредит сиёсати мақсади нархлар барқарорлигига эришишга ўзгартирилди;

✓ 2020 йил январда ЎРМБ ИТга ўтиш ва 2021 йилнинг охирида инфляцияни 10 фоизга ҳамда 2023 йилнинг охирида 5 фоизга туширилиши мақсад сифатида белгиланди. Лекин амалда 9% дан ортиқроқни ташкил этди;

✓ 2017 йилдан бошлаб олдинги алмашув курсига боғлиқликдан фаол пул-кредит сиёсатига ўтилди, бунда аввалига банклар ликвидлиги ЎРМБнинг операцион мақсадли кўрсаткичига айланди ва кейинроқ эса улар асосий ставка ва пул бозори фоиз ставкасига алмаштирилди;

✓ Инфляцияни ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларни қисқа муддатли прогнозлаш моделлари ишлаб чиқилди. ЎРМБ таҳлилий салоҳиятни ривожлантириш учун FPAS моделини жорий этди;

✓ ЎРМБ 2018 йилдан бошлаб, пул-кредит сиёсатининг чораклик шарҳини эълон қилмоқда, хар ойда статистик бюллетенни эълон қила бошлади;

✓ 2019 йилнинг охирида (янги таҳрирдаги) валютани тартибга солиш, тўлов тизими ва банклар фаолияти тўғрисидаги қонунлар тасдиқланди. Имтиёзли кредитлар Марказий банкнинг асосий ставкасидан паст ставкада берилиши мумкин эмаслиги борасида қарор қабул қилди;

✓ 2017 йил сентябрь ойидаги 50 фоизли девальвация оқибатида инфляциянинг вақтинчалик ошишидан сўнг пул-кредит шароитларини изчил қатъийлаштириш натижасида инфляция пасайиш тенденциясига эга бўлди. Аммо, инфляция ҳали ҳам нисбатан юқори даражада;
✓ Алмашув курси умуман олганда асосий кўрсаткичларга мувофиқ ҳолда ҳаракат йўналишига эга бўлди. Аммо, бозорда амалиётлар ҳажмининг маълум даражада камлиги ҳамда ҳукумат ва давлат корхоналари йирик операциялари мавжудлиги шароитида ЎРМБ кескин тебранишларни олдини олиш мақсадида кунлик интервенцияларни амалга ошириш заруриятига дуч келмоқда;
✓ Молия бозорининг ривожланмаганлиги, юқори долларлашув даражаси, давлатнинг кредитлаш дастурлари, иқтисодиётда давлат банклари ва давлат корхоналари улушининг юқорилиги пул-кредит сиёсатининг трансмиссиясини чекловчи асосий омиллардан ҳисобланади. Банкларараро пул бозори 2020 йил бошидан буён жадал ривожланган бўлса-да, бозор сегментациясининг айрим белгилари ҳали ҳам мавжуд, айрим банклар бозорда доимий равишда қарз олувчи ёки кредитор сифатида қатнашиб келмоқда.
✓ Юқори долларлашув даражаси ҳам пул-кредит сиёсати трансмиссиясига тўсқинлик қилади. Юқори долларлашув пул-кредит сиёсати орқали таъсир кўрсатиш мумкин бўлган кредитлар ва депозитлар базасини қисқартиради. Долларлашув даражаси қанчалик юқори бўлса, пул-кредит сиёсати трансмиссияси шунчалик паст бўлади;
✓ Давлат банкларининг устунлиги ва давлат кредитлаш дастурлари ҳам пул-кредит сиёсати трансмиссиясини чеклайди. Мамлакатда 31 та банкдан 11 таси давлат банки бўлиб, банк сектори активларининг қарийб 82 фоизини ташкил қилади.

Юқоридаги келтирилган маълумотлар хорижий экспертлар томонидан олиб борилган ўрганишлар ва тахлиллар асосида келтирилган. Инфляцион таргетлаш жараёнларини кузатиш ва эришилган ютуқ хамда камчиликларни инобатга олиб қуйидаги тавсиялар ўринли, деб хисоблаймиз:
➢ Марказий банк мустақиллиги, шаффофлиги ва бошқарувини янада такомиллаштириш орқали фаолият самарадорлигини оширишга эришиш мумкин. Ишончни ошириш пул-кредит сиёсатининг самарадорлиги учун муҳим аҳамиятга эга;
➢ Инфляцияга таъсир этувчи сиёсат масалалари бўйича ҳукумат билан ҳамкорликни кучайтириш зарур. Имтиёзли кредитлаш дастурлари, коммунал хизматлар нархларини тартибга солиш ва давлат секторидаги иш ҳақи сиёсати пул-кредит сиёсати трансмиссиясига ва инфляцияга таъсир кўрсатадиган муҳим сиёсатлардан ҳисобланади;
➢ Валюта курсининг тебранувчанлиги ошириш орқали унинг инфляцион кутилмаларга таъсирини камайтириш мумкин. Алмашув курсининг мўътадил тебранишлари ва олдиндан тахмин қилиб бўлмайдиган холатларида иқтисодиётимиз курснинг динамикасига унчалик аҳамият бермайди ва бу, ўз навбатида, валюта курси ва инфляция ўртасидаги боғлиқликни камайтиради. Бу эса, ўз навбатида, валюта бозорини ривожлантиришни талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 18 ноябр ПФ-5877-сон Фармони.

2. “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Ўз.Р. Қонуни, 2019 й. ноябр.

3.“Ўзбекистоннинг инфляцион таргетлаш режимига ўтиши”. Муайяд аль Расаси, Экель Кабезон. ХВФ тадқиқот иши. 2022 й.

CHORVACHILIK KORXONALARI FAOLIYATIDAGI O'ZGARISHLARNI O'RGANISHDA NARXLAR INDEKSI

D.X.Iskandarov
TDIU Andijon fakulteti
“ijtimoiy gumanitar fanlar” kafedrasi katta o‘qituvchisi,
Abduraximova Jayrona Arabboy qizi
TDIU Andijon fakulteti 1-bosqich talabasi
Shavkatov Jasurbek Mansurbekovich
TDIU Andijon fakulteti 1-bosqich talabasi

Chorvachilik tarmog‘ini jadal rivojlantirish xalqimizni arzon va sifatli go‘sht hamda boshqa oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta’minlash, ayniqsa, qishloq joylarida istiqomat qilayotgan fuqarolarning bandligini oshirish va daromadlarini ko‘paytirishda muhim o‘rin tutadi.

Keyingi yillarda ushbu sohada zamonaviy va innovatsion uslublarni joriy etish, mahsulotlar ishlab chiqarish hajmini oshirish va ularning turlarini kengaytirish bo‘yicha tub islohotlar amalga oshirildi. Bu sa’y-harakatlar natijasini har bir chorvador o‘z faoliyatida sezmoqda va his etmoqda.

Xususan, chorvachilik tarmog‘i oxirgi olti yilda islohotlarga yuz tutdi. O‘tgan davrda agrar tarmoqda katta o‘zgarishlar, yangilanishlar bo‘ldi. Ko‘p yillar davomida chorvadorlarni o‘ylantirib, tashvishga solib kelgan muammolar qisqa fursatda hal etildi, ularning xohish-istaklari, orzu-umidlari ro‘yobga chiqa boshladi.

Ilgarlari 200 bosh nasilli mollarni boqayotgan fermerlarga qoyil qolishardi, hozir fermer va klasterlarimiz 10 minglab nasilli mollar, 100 minglab ko‘y echkilar parvarishlab, elimiz dasturxoniga sifatli sut va go‘sht mahsulotlarini yetkazib bermoqda. Ayniqsa, bozordagi narxlar barqarorligini ta’minlab beryapti. Bunday ajoyib o‘zgarishlar faqat ayrim chorvadorlar faoliyatida emas, balki minglab mulkdorlar hayotida ham yuz berdi.

Natijada chorvachilik bilan shug‘ullanuvchi xo‘jaliklar soni ortib, chorvachilik komplekslari tomonidan tirik vaznda ko‘plab tonna go‘sht va sut mahsulotlari yetishtirilishiga erishilyapti. Eng muhimi, bu sohada yangi ish o‘rinlari yaratilib, ming-minglab yoshlar xorijga ish izlab ketishdek og‘ir muammodan xolos bo‘lmoqda.